

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---


---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
ХАБАРЛАР-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2019



**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

### МАТЕМАТИКА

#### А.Э.Мадраҳимов

Тартибланган статистикалар учун концентрация функциясининг баҳолари .....	5
<b>B.T.Samatov, U.B.Soyibboev, U.A.Mirzamahmudov</b>	
Иккинчи тартибли дифференциал ўйинлар .....	12
	<b>КИМЁ</b>

#### И.Р.Асқаров, А.С.Хожикулов

Йод танқисларини бартараф этишда ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби.....	19
<b>Ш.Ш.Турғунбоев, А.Х.Хайтбаев</b>	
Бетулон кислотасини синтез қилиш .....	24
<b>Д.Т.Хасanova, И.Р.Асқаров</b>	
Пивони кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш .....	29

### БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

#### В.Махмудов

Маданийлаштириш шароитларида Agropyron Cristatum (L.) Beauv. нинг катта ҳаётий цикли.....	36
<b>М.Холиқов, Ё.Ахмедова</b>	
Қора калхат ( <i>milvus migrans</i> )нинг Фарғона водийсида ҳаёт цикли ҳақида.....	43

### ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

#### М.Исағалиев, М.Обидов, Р.Матҳолиқов

Доривор <i>capparis spinosae</i> морфогенетик ва биогеокимёвий ҳусусиятлари .....	45
<b>Н.Ж.Халилова</b>	
Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфогенетик ҳусусиятлари .....	49
<b>А.Турдалиев, К.Асқаров, Н.Ходжибалаева</b>	
Суғориладиган тупроқларда лантаноид ва радиоактив элементларнинг геоэнергетик ҳусусиятлари .....	52

## Ижтимоий-гуманитар фанлар

### ИҚТИСОДИЁТ

#### Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсадиков, М.Мўйдинов

Кластер: назария ва амалиёт .....	57
<b>А.Мирсадиков</b>	
Ҳудудларда хизмат қўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари .....	62

### ТАРИХ

#### Э.Раҳмонов

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини ҳимоялаш сиёсати: муаммолар ва илк натижалар (1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида). .....	65
<b>А.Азизов</b>	

Фарғона водийси аҳолисининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлари (қўй мисолида) .....	69
--	----

#### Б. Усмонов

Темурйлар даврида Фарғона боғдорчилиги .....	73
--	----

#### С.А. Хошимов

Миллий сиёсий мухолифатга қарши тазийқ ва таъқиблар .....	76
---	----

#### Р.Х.Максудов

Музей – халқ тарихининг кўзгуси .....	80
---------------------------------------	----

#### О.А. Кличев

Бухоро амирлигига элчиларни кутиб олиш тартиби (xix асрнинг иккинчи ярми - xx аср бошлари).....	83
---	----

#### О.В.Махмудов

Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар) .....	87
---	----

ТАРИХ

УДК: 950+39/2

**ФАРГОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ УЙ ҲАЙВОНЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ  
ТАСАВВУРЛАРИ (ҚЎЙ МИСОЛИДА)  
ПРЕДСТАВЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ, СВЯЗАННЫЕ С ДОМАШНИМИ  
ЖИВОТНЫМИ (НА ПРИМЕРЕ БАРАНА)  
THE VISIONS RELATED TO DOMESTIC ONIMALS (ON THE EXAMPLE OF SHEEP) IN THE  
VIEWPOINT OF FERGHONA VALLEY POPULATION**

A. Азизов

**Аннотация**

*Мақолада аҳолининг уй ҳайвонлари, хусусан қўй билан боғлиқ тасаввурлари дала материаллари асосида таҳлил қилинган. Қўйнинг инсон турмуш тарзидаги ўрни, аҳамияти ҳамда одамлар орасидаги қўй билан боғлиқ ишонч кўринишлари очиб берилган.*

**Аннотация**

*В статье на основе полевых материалов проанализированы представления местного населения, связанные с домашним скотом, в частности, с бараном. Раскрыто место и значение барана в повседневной жизни человека, а также верования, бытующие среди местных жителей.*

**Annotation**

In this article analyzed viewpoint of people related to domestic animals, special with sheep on base field work materials. Disclosed place of sheep in life of human, values and forms of belief related with sheep among people.

**Таянч сўз ва иборалар:** тасаввур, уй ҳайвони, ёввойи ҳайвон, ишонч, қўзи, тўхли, шак, чори, панжи, арқон, қассоб, ажина, шох, ҳадис, чўпон, Иброҳим пайғамбар.

**Ключевые слова и выражения:** представление, домашнее животное, дикое животное, верование, ягненок, ярка, «ишишак», охвостье, «панджи», веревка, мясник, злой дух, рога, ҳадис, пастух, пророк Ибраҳим (Авраам).

**Keywords and expressions:** vision, domestic animals, wild animal, belief, lamb, tuxli, donkey, chori, pandji, rope, butcher, ghost, horn, khadis, shepherd, prophet Ibrakhim (Abram in Bible).

Инсон ва жониворларнинг бир-бирига боғлиқлиги илдизлари минг йилликларга бориб тақалади. Аҳоли машғулоти доирасида асрлар давомидаги парваришлаб келинаётган жониворлар ва ёввойи ҳайвонлар инсон ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Жониворларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли, улар билан боғлиқ тасаввурлар кўплаб тадқиқотларда ўз ифодасини топган [1,2,3,4,5,6].

Аҳоли томонидан бугунги кунда ҳам айрим тасаввурлар ва қарашлар мавжуд бўлиб, уларни таҳлил қилиш долзарб масала ҳисобланади. Уй ҳайвонлари инсон учун фақатгина озиқ-овқат манбаларидан бири бўлибгина қолмасдан, балки иш, кийим-кечак хом ашёси, диний маросимларни адo этишдаги асосий воситалардан биридир. Айни вақтда одамларнинг ушбу жониворларга муносабати қандай? Аҳоли орасида уй ҳайвонларига боғлиқ қандай тасаввур ва тушунчалар мавжуд? Инсон ҳаёти ва кундалик турмушида уй ҳайвонларининг қандай роли бор? каби саволлар тадқиқ этилиши лозим бўлган муҳим илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Чорва ҳайвонларига бир неча жониворлар киради. Аҳоли уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, уй ҳайвонларидан хўжаликда кенг фойдаланган ҳолда парваришлаб келади. Чорва деганда кўз ўнгимизга биринчи галда қорамол, қўй ҳамда эчки келиши аниқ. Ушбу жониворлар ҳозирги кунда махаллий аҳоли чорвасининг асосини

ташкил этади. Улар орасида қўй алоҳида эътибор ва эътирофга эга.

Фарғона водийси аҳолиси чорва хўжалигининг асосини ҳам айнан қўй ташкил этади. Қўйга нисбатан аҳоли орасида ўзига хос тасаввурлар мавжуд бўлиб, бу қарашлар эътиқодий, мифологик ва бошқа хусусиятга эга қарашларни ўзида мужассам этган.

Аҳоли орасидаги тасаввурлар ичida аввало ушбу жониворнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги қараш [7,405] ўзига хос характерга эга [8,153]. Ахборотчиларнинг маълум қилишича, қўй жаннатдан инсонлар учун чиқариб берилган жонивордир. Олтиариқ тумани Полосон қишлоғида истиқомат қилувчи Турсунпўлатхожи ота[9]нинг айтишича, қўй илоҳий жонивор ҳисобланади. Бу жонивор Иброҳим пайғамбарга Оллоҳ томонидан тўнгич ўғли қурбонлиги ўрнига Жаннатдан чиқариб берилган. Шундан эътиборан инсонлар Худо учун қурбонликка ўзларининг тўнгич ўғилларини эмас, балки ушбу жониворни келтиришлари буюрилганлигини таъкидладилар. Қўй уй ҳайвонлари ичida энг баракалиси сифатида тушунилишини айтиб, ўз фикрини пайғамбаримизнинг “Қўй боқингиз, чунки у баракали ҳайвон” ҳадисини келтирдилар [10].

Қўйнинг баракали эканлиги ҳақидаги фикрларни бошқа бир ахборотчи тўлдириди. Унинг айтишича, жониворлар ичida энг тез кўпаядигани ит ҳар уч ойда кўпайса-да, ҳамма жойни босиб кетмайди ҳамда итлар хеч қачон

А.Азизов – ФарДУ Тарих факультети ўзқитувчisi.

кўй каби пода бўлиб юришмайди. Лекин кўй олти ойда битта ёки иккитага кўпайса-да, шунча сўйиб ҳам тугатиб бўлмаслигини таъқидлади. Абдурахмон [11] аканинг берган маълумотига қараганда, битта қўй ўн ийлда 1024 тагача кўпаяди. Бунинг учун қўйга жиддий эътибор бериб, яхшилаб қараш кераклигини айтиб ўтди. Ахборотчининг айтишича, дастлаб ўзининг 15 та қўйи бўлиб, ҳозирги кунга келиб катта сурув эгаси ҳисобланади.

Қўйнинг ёшини аҳоли вакиллари ўзига хос тарзда белгилаб боришади. Ҳар олти ойда қўй бир ёшга тўлган ҳисобланади ва ҳар бир цикл алоҳида атама билан аталади. Бир ёшгача – қўзи, бир ёшдан кейин – тўхли, уч ёшда – ишшак, тўрт ёшда – чори, беш ёшда эса панжи, деб номлашади. Қўйларнинг ёшини белгилаш, аввало, уларни йил бошидан саралашда ва кўпайиши учун сурувларга ажратишда мухим омил ҳисобланади. Бундан ташқари, гўшт учун боқиладиган сурувни шакллантиришда тўрт ёшли қўйларни саралаш жуда муҳимдир.

Информаторлар қўй фақатгина ўзининг кўпайиши билангина эмас, яна бошқа бир ҳисусияти билан ҳам одамларга катта фойда келтиришини санаб ўтиши. Бу, унинг эгаси ҳаққига қиладиган дуоси, салавоти эканлигига аҳоли вакиллари қаттиқ ишонадилар. Ширмонбулоқ қишлоғилик тажрибали чўпон Ортиқ ота [12]нинг айтишича, қўйнинг маъраши ҳосиятли. Чунки унинг “ма” товуши аҳоли томонидан “баракани ол”, деган сўзга қиёсланади. Қўй ҳар маъраганида одамларга “баракани ол”, деб айтади дея биладилар ва одамлар бунга қаттиқ ишонадилар.

Қўйнинг ёшини аниқлашда ҳам ўзига хос усул ва тажрибалар бўлиб, фақатгина малакали чўпонлар бу ишни уddyалай олишади. Исақов Акабой [13] тоғанинг берган маълумотларига қараганда, унинг ёш ёки қарилиги тишига қараб аниқланади. Дастлаб иккита, кейин тўртта, сўнгра олтига ва, нихоят, саккизта тиши кўринади. Барча тишлар тенг бўлса, бу қўй қарип ҳисобланади. Тишлар текислашгандан сўнг қарип қўйнинг бир ёки икки тиши тушиб кетади. Чорвадорлар шу белгига қараб қўйнинг ёшини ажратиб оладилар. 8-10 ёш оралиғида қўйнинг тиши тушади. Ёши ўтган қўйни сурувдан чиқаришади. Бундай қўйлар узоқ йўлга ортиқ ярамайди ва улар асосан тортиқ қилинган ёки халққа сўйиб бериб юборилган.

Қўйни уйда боқиши ҳосияти ва ҳисусиятлари ҳақида Асқарали ота [14] жониворнинг тез улғайишига алоҳида ургу берди. Одамлар томонидан унинг юнги ва ўғити бировга бериб бўлмайдиган нарсалар эканлигига алоҳида тўхталди. Агар ўғит бировга сотилса ёки бериб юборилса, ўша оиласи бойлик тарк этади. Шунинг учун ҳам аксарият одамлар чорванинг ўғитини бировга асло бериб юбормайдилар ёки

сотмайдилар. Яна бозорга қўйни сотгани олиб чиқилганда ёки уйда сотганда асло унинг арқони бирга бериб юборилмайди. Аксинча, олиб қўйилади ва оғилхонага осиб қўйилади. Аҳоли ушбу арқонни барака рамзи сифатида қабул қилишади ҳамда кейинги олинган чорвани шу арқон билан боғлаш ёки бозордан сотиб олинган чорвани боғлаб келишни ҳосиятли, деб билади. Ахборотчиларнинг маълум қилишларича, қўйнинг арқони ўзида сотилган ёки сўйилган қўйнинг баракасини сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам баракани олиб қолишга ҳаракат қиладилар ҳамда бировга бериб юбормайдилар [15]. Бу ерда жониворга тегишли буюм билан боғлиқ магик ҳусусиятни кўриш мумкин.

Бошқа бир ахборотчи [16]нинг келтиришича, қўйнинг уйда боқилиши, аввало, фақат барака келтиришга хизмат қилибгина қолмай, ёмон кўздан ҳам саклайди. Аҳоли ўз уйда қўй сақлаш орқали бало-қазонинг қайтарилишига қатъий ишонадилар. Агар уйда қўй ёки мол бўлмаса, ёмон нарсалар олдини олиш учун ҳеч бўлмагандага қозик қоқиб қўйиш даркор, деб биладилар. Аҳолининг катта ўш вакиллари айтишларича, қўйнинг шохи шундай бало-қазоларни қайтариш ҳисусиятига эга ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уйда шохли қўйни асраш ҳосиятли ҳисобланган. Айрим хонадонларда ҳозирги кунда ҳам жониворларнинг шохини осиб қўйиш одати сақланиб қолган [17,18]. Яқин-яқинларгача қабристонларда қўчкор шохининг осиб қўйилганлигини аҳоли вакиллари жуда яхши эслайдилар. Айниқса, тоғ ва тоголди худудларда аҳолининг ушбу тасаввурга бўлган ишончи анча юқори эканлигини кузатишимиш мумкин. Ҳусусан, Фарғона вилояти Қувасой шахри Қарамқул қишлоғи қабристонида ҳозир ҳам қўчкор шохи қабристон кираверишига осиб қўйилган. Қишлоқ аҳолисининг фикрича, марҳумларни ушбу шоҳ ёвуз кучлардан ҳимоя қилиб туради [19]. Фарғона водийси аҳолиси тасаввурларида қўчкорнинг шохига тумор сифатида қаралиши анча кенг тарқалган бўлиб, агар уйда боқиладиган қўчкор шоҳдор бўлса, жуда ҳам ҳосиятли ҳисобланган [20.150].

Фарғона водийси аҳолиси хўжалигида энг кенг тарқалган хом ашё, шубҳасиз, қўй юнгидир. Аҳоли томонидан хўжалик учун зарур бўлган намат, кигиз ва бошқа жиҳозлар тайёрланиши ҳамда фойдаланилиши одатий тусга кирган ҳисобланади. Яқин-яқинларгача одамларнинг ўйларида алоҳида қопларда тўпланиб турувчи ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб келинган қўй юнги буғунги кунда асосан сотиб юборилмоқда. Бундан йигирма йил аввал ушбу жараён бошланган бўлиб, анъанавий кигизчилик айрим тоғ қишлоқларидагина сақланиб қолган. Унинг юнгидан ип йигириб кийим тўқиши ҳам деярли чекка қишлоқларда мавжуд, холос. Шунга

## ТАРИХ

қарамасдан, аҳоли орасида айрим тасаввур ва тушунчалар мавжуддир.

Олтиариқ тумани Полосон қишлоғилик ахборотчининг маълум қилишича, қўйнинг юнги олинганидан сўнг ерда қолиб кетиши тақиқланган ва яхшилаб териб олиш зарурлиги уқтирилган. Чунки, агар қўй юнги териб олинмаса, бу уйда бараканинг бўлмаслигига аҳоли қаттиқ ишониб келган. Бундан ташқари, қўй юнги тоза бўлиши ҳамда унга бошқа нарсалар аралашиш кетмаслигига аҳамият беришган. Ахборотчининг айтишича, унинг отаси кўп бора қўй юнгини тиллага қиёслаган ва ерда қолдирмасликка чақирган [21].

Одамларнинг қўйга нисбатан шаклланган муҳим тасаввурларидан бири, шубҳасиз, курбонлик маросими билан боғлиқ қарашлар ҳисобланади. Курбонлик амалининг бажарилишида ёки умуман қўйни сўйишда аҳоли қаттиқ амал қиласидиган қоидалар мавжуд бўлиб, одамларнинг тасаввурларида бу шартлар сўзсиз бажарилиши лозим. Ахборотчилардан бири [22] нинг таъкидлашича, сўйилаётган жонлиқ умуман қийналмаслиги даркор. Аввало, уни эҳтиёт қилган ҳолда оёқлари маҳкам боғланади. Йиқитиш вақтида ва унгача бўлган жараёнда уни асло уриб бўлмайди. Агар қўйни сўйишда унга жароҳат етказиладиган бўлса, лат еган жойда қон тўпланиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Сўйилаётган жониворни қўрқитиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам иложи борича уни аста йиқитиш зарур, деб биладилар. Қассобларнинг маълум қилишларича, қўрқитилган қўй гўштининг сифати бузилади. Ҳаттоқи қассобга моли ёки қўйининг нархини чамалатиш учун мурожаат қилган одамларга иложи борича жониворни тезроқ сотишни, сўйдиришни маслаҳат берадилар. Нарх чамалаш учун бормоқчи бўлган қассоб уй эгасидан жониворини тез орада сотса ёхуд сўйдирадиган бўлсагина боришини билдиради. Одамлар қассоб кўрган жониворнинг кескин озиб кетиши тўғрисидаги тасаввурга амал қиласидилар. Айрим қассобларнинг билдиришларича, қассобдан келаётган қон иси жониворларга салбий таъсир қиласиди. Уларнинг қон исини жуда яхши сезишига аҳоли вакиллари ишонадилар. Айрим ҳолларда жуда ҳам катта, кучли, илогич жониворлар қассоб қўлига тушгач, жуда ювош тортиб қолганлиги тўғрисидаги воқеаларни ахборотчилардан бири ўз фикрларида таъкидлаб, одамлар бунга ишониб, амал қилиб келишаётганини билдириб ўтди [23].

Одамлар қўйни сўйишда бир неча қоидага қаттиқ амал қиласидилар: жонлиқнинг соғломлиги, ёшига етган жонивор бўлиши, кўпайиш арафасидаги жонивор бўлмаслигиги ҳамда сўйиш жойи жониворлар назаридан четда амалга оширилиши. Сўйиш жараёнда жонивор асло қийналмаслиги ва, ҳаттоқи, сўйилаётганини сезмаслиги лозим. Сўйиш ислом анъанасига

кўра амалга оширилади, яъни қиблага қаратиб ётқизилган ҳолда сўйилади. Унга пичноқларни кўрсатиб қайраш аҳоли томонидан тақиқланган хатти-ҳаракат сифатида қабул қилинади. Одамлар жонлиқнинг сўйилиши қанчалик эҳтиёткорлик билан амалга оширилса, шунча яхши бўлишига ишонадилар. Қассоб қасбиға мансуб ахборотчи [24] ўз тажрибасидан келиб чиқиб ва ўз уста (ота)си ўргатган кўниммаларга асосланиб, бизга қўрқитилган жонивор танасида қон юрмай қотиб қолиши ва гўштининг сифати бузилиши мумкинлигини билдиради. Чунки сўйилган жонивор танасидан қон бутунлай чиқиб кетиши шарт, акс ҳолда бундай гўшт истеъмол учун яроқсиз ҳисобланади.

Қўй сўйилаётганда, унинг қони қазилган маҳсус чуқурдан ташқарига чиқмаслиги ҳамда қассоб ёки бошқа сўювчи одамга сочилимаслиги даркор. Қассоб ҳуշёрлик билан жонлиқни сўйиши талаб этилади ва қони фақат чуқурга оқизилади. Қон оқиб бўлгач, чуқур яхшилаб кўмиб юборилади. Агар қон ўз вақтида кўмиб юборилмаса, жин ва ажиналар кўпайишига аҳоли ишонади. Бундан ташқари, бир ерда икки марта жонлиқ сўйиш ҳам мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Қассоб сўйишдан аввал уй эгасидан танланган ерда олдин жонлиқ сўйилмаганлигига ойдинлик киритиб олади. Тайёрланадиган жой жонивор олиб келинишидан аввал тайёрланиши лозим ҳисобланади. Акс ҳолда, жонивор кўз ўнгидан бу ишни қилиш бехосият, деб биладилар.

Қўй гўштини истеъмол қилиш ва унинг сүяклари, териси билан боғлиқ айрим тақиқлар мавжуд бўлиб, аҳоли тасаввурларида ўз аксини топган. Биринчи ўринда қўй гўштини истеъмол қилишда туёқ қисмини тўғридан-тўғри тиш билан еб бўлмайди, балки, пичноқ ёки бошқа бирор кескир темир асбоб билан истеъмол қилиш талаб этилади [25]. Бунга ўхшаш тасаввурларни қозоқ ҳалқларининг отга боғлиқ тақиқларида ҳам кузатишимиз мумкин [26.121]. Яна сүякни отанинг фарзандига бериши тақиқланади. Сүяк фақат ота ёки шу оиласидаги ёши катта инсонгагина истеъмол қилиш учун берилади [27]. Орқа оёқ сүяклари энг эътиборли қисм ҳисобланади [28.127]. Истеъмолдан сўнг сүякларни тўғри келган жойга улоқтириб юбориш тақиқланади. Уни маҳсус чуқурга ташлаб, сўнгра кўмиш лозим, деб биладилар. Одамларнинг тасаввурларига қараганда, агар сүяк кўмилмаса, турли хил ёвуз кучлар, ҳусусан, жинлар ҳамда ажиналар кўпаяди.

Қўйнинг териси яқин-яқинларгача хўжалиқда кенг фойдаланилган. Аҳоли терини бойлик рамзи сифатида қабул қиласиди ва бирорвога бериб юбориш мумкин бўлмаган. Кейинчалик хўжалиқда терининг аҳамияти камайиб борган ва тери қассоблар томонидан олиб кетилиши одатий тусга кириб қолган. Ҳозирги кунда

қассоблар нафақат тери, балки уй эгаси рози бўлса, калласи ҳамда туёқларини ҳам олиб кетади. Аҳоли томонидан билдирилишича, аслида қассобнинг ҳаққи икки қадоқ гўшт ҳисобланади, холос [29].

Чорвадорлар томонидан дашт худудларида ҳозир ҳам қўй юнгидан тайёрланган кигиз ишлатиб келинади. Кигиз чўпонга илон, чаён ва бошқа зарарли ҳашаротлардан сақланиш имконини беради. Илон, чаён ва бошқа майда жоноворлар кигиз устига чиқмаслигига одамлар ишонадилар ҳамда амал қилиб келадилар. Андикон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи ахборотчи[30]нинг айтишича, чўпонлар ўз қўйларини яловда асосан кечаси боқишиади. Қўй подаси кенг ёйилган ҳолда ўтлаб боради ва йўлида учраган жоноворни босиб, агар у бошини кўтарган илон бўлса, илоннинг бошини ҳам еб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам илон қўйдан кўрқади ва унинг иси келган томондан қочишига ҳаракат қиласи, деб одамлар ишонадилар. Агар

чўпон ёнида кигиз бўлмаса, қўй юнгидан қилинган арқон унинг ўрнига асқотиши мумкин. Аввал чўпон тунамоқчи бўлган жойи атрофига қозиқ қоқиб олади ва сўнгра унинг атрофи бўйлаб қўй юнгидан қилинган арқонни тортиб чиқади. Ахборотчининг айтишича, тортилган арқон ичига илон ва чаён зинҳор кирмайди, аксинча, ундан нарига қочади.

Аҳоли орасида қўй билан боғлиқ қарашлар шу қадар кенг тарқалганки, унинг таъсиридаги тасаввурлар ҳозирги кунда ҳам хукмрон ҳисобланади. Жой номларида ҳам, миллий ўйинларда ҳам, „Алла“да ҳам қўй номини учратиш мумкин. Фарғона водийси аҳолиси орасида қўй нафақат хўжалик юритишдаги асосий восита, балки маросимларни амалга оширишдаги энг муҳим жоновордир. Унга нисбатан муносабатнинг бундай тарзда шаклланишига ахолининг эътиқоди, машғулоти ҳамда ушбу жоноворнинг ўзига хос хусусиятлари асосий омил ҳисобланади.

#### References:

1. Sprishevskiy V.I. Pogrebeniye s konym seredini I tisyacheletiya n.e, obnarujennoye okolo observatorii Ulugbek. // Tr. Muzeya istorii narodov Uzbekistana. T. 1. – T., 1951.
2. Potapov L.P. Volk v starinnyh narodnih pover'yah i primetax uzbekov / Kratkiye soobsheniya (Instituta etnografii imeni Mikluho-Maklaya), Izdatelstvo Akademii Nauk SSSR. – M., 1958.
3. Xaytun D.E. Totemizm, yego sushnost i proishojdjeniye. Stalinabad, 1958. // Snesarev G.P. Relikti domusulmanskih verovanij i obryadov u uzbekov Xorezma. - M.: Nauka, 1969.
4. Xaritonov M.A. Obraz volka v sotsiokulturnoy traditsii narodov Tsentralnoy Azii. Ulan-Ude. 2000
5. Ashirov A. Uzbek xalqining qadimiy e`tiqod va marosimlari. - T.: Alisher Navoiy nomidagi Uzbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.
6. Kristen Stilt. Animal Welfare in Islamic Law. Northwestern University of Chicago. 2015.
7. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. AL-JOMI' AS-SAHIH(2-jild). – T., Qomuslar Bosh tahririyati, 1997. 405-bet.
8. Myat Min, Cho ChoZaw. ANIMAL care: An islamic ‘ers’ective with ‘articular reference to unwanted ‘ets – stray dogs and cats. International Journal of Business, Economics and Law, Vol. 9, Issue 5 (A’r.) 2016. 153 ‘.
9. Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. AL-JOMI' AS-SAHIH. T., Qomuslar Bosh tahririyati, 1991.
10. Dala yozuvlari. Andijon viloyati Buloqboshi tumani Shirmonbuluoq qishlog`i. 2018 yil. Isaqov Abdurahmon, 1954 y.
11. Dala yozuvlari. Andijon viloyati Buloqboshi tumani Shirmonbuluoq qishlog`i. 2018 yil. Rizaev Ortijon, 1928 y.
12. Dala yozuvlari. Andijon viloyati Buloqboshi tumani Shirmonbuluoq qishlog`i. 2018 yil. Isaqov Akaboy, 1928 y.<sup>1</sup>
13. Dala yozuvlari. Farg`ona viloyati Oltiariq tumani Poloson qishlog`i. 2017 yil. Tursunov Asqarali, 1957 y.
14. Ashirov A. Uzbek xalqining qadimiy e`tiqod va marosimlari. - T.: Alisher Navoiy nomidagi Uzbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.
15. Dala yozuvlari. Farg`ona viloyati Oltiariq tumani Poloson qishlog`i. 2018 yil. Madolimov Olimjon, 1942 y.
16. Dala yozuvlari. Farg`ona viloyati Oltiariq tumani Tinchlik shaharchasi. 2018 yil.
17. Dala yozuvlari. Farg`ona shaxar. 2018 yil.
18. Dala yozuvlari. Farg`ona viloyati Quvasoy shaxar Qaramqul qishlog`i. 2011 yil.
19. Ashirov A. Uzbek xalqining qadimiy e`tiqod va marosimlari. Alisher Navoiy nomidagi Uzbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti. Toshkent, 2007. B. 150.
20. Dala yozuvlari. Farg`ona viloyati Oltiariq tumani Poloson qishlog`i. 2017 yil. Qodirov Tursunpo`lat, 1938 y.
21. Dala yozuvlari. Farg`ona viloyati Oltiariq tumani Poloson qishlog`i. 2018 yil. Abdurahimov Abdurahmon, 1963 y.
22. Dala yozuvlari. Farg`ona viloyati Oltiariq tumani Poloson qishlog`i. 2018 yil. Madolimov Olimjon 1942 y.
23. Dala yozuvlari. Farg`ona viloyati Oltiariq tumani Poloson qishlog`i. 2018 yil. Azizova Xuriniso 1963 y.
24. Shaniyazov K. Uzbeki-karluki. – T., Fan, 1964. 127 s.
25. Dala yozuvlari. Andijon viloyati Buloqboshi tumani Shirmonbuluoq qishlog`i. 2018 yil. Asqarali 1928 y.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).